ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ ТЕХНИК БАЗА БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРЖАСИ ТАДҚИҚИ

Муродулла Зиёдуллаевич Эшонқулов
“Логистика ва сервис” кафедраси
Жиззах политехника институти
E-mail: eshonqulov.m1960@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада хусусий транспорт воситалари корхоналарининг ишлаб-чиқариш техник база билан таъминланганлик даражасини тадқиқ қилиш ва унинг транспорт воситаларининг техник ҳолатига таъсирини ўрганиш натижасида корхоналарнинг ишлаб чиқариш техник базаларини ривожлантириш орқали транспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилаш ва провард натижада аҳолига транспорт хизмати сифатини оширишдан иборатдир.

Калит сўзлар: Автотранспорт корхоналари, транспорт воситаси, автомобил, ишлаб чиқариш техника базаси, таъминланганлик, самарадорлик кўрсаткичи.

RESEARCH OF THE TECHNICAL BASE OF AUTOMOTIVE PRODUCTION

Murodulla Ziyodullayevich Eshonqulov
The Department “Logistics and Service”
Jizzakh Polytechnic Institute
E-mail: eshonqulov.m1960@gmail.com

ABSTRACT

The article examines the level of the technical base of private transport enterprises and its impact on the technical condition of vehicles in order to improve the technical condition of vehicles by developing the production and technical base of enterprises and improving the quality of transport services to the population.

Keywords: motor transport enterprises, vehicles, automobile, production equipment base, supply, efficiency indicator.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидаги турли русум ва андозадаги автомобил транспорти воситалари турли қувватга эга бўлган корхоналарда фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли автомобиллари эса бир неча миллиондан ортиқ, буларга техник хизмат кўрсатиш учун қатор корхоналар

мавжуд. Транспорт воситаси хаётимиз ва халқ хўжалигининг “қон томири”га ўхшатилиши бежиз эмас. У йўл ва хайдовчиларсиз, уларни таъминловчи корхоналарсиз самарали, мақсадга мувофиқ равишда аҳолига ва халқ хўжалигига транспорт хизмати кўрсата олмайди. Бу тизим мунтазам ривожланишда, такомиллашишдадир.

Маълумки, корхоналарда ходимлар, мутахассислар ишлайдилар. Демак, транспорт корхоналарининг ходим ёки кадрларига самарали таъсир этиб, олдиларига қўйилган мақсадларига эриштириш раҳбари (эгаси)дан, бўлим ва бўлинмалар менежерларидан, ҳар бир бўғин ижрочиларидан атрофлича етуклик, ҳар даврнинг, фаслнинг, мухитнинг хароратини идрок қилган ҳолда хозир жавоблик талаб қилинади. Бу вазифаларни бажариш учун албатта корхонанинг ишлаб чиқариш техник базаси мукаммал бутланган бўлиши лозим.

Ҳозирги кунда катта шаҳарларда давлат транспортининг мавқеи қисман сақланиб қолаётган бўлсада, кичик шаҳарлар, вилоятлар регионларида ва шаҳарлароро йўналишларда, айниқса йўловчилар ташиш борасида, бюрократик тизимлардан ҳолис бўлган ва шу сабабли арзон нархда хизмат кўрсатаётган хусусий транспорт уларни бозордан сиқиб чиқармоқда.

Ҳозирги вақтда республикамиз бозор иқтисодиётига ўтишдек тарихий жараённи ўз бошидан кечирмоқда. Бозор иқтисодиёти нафақат, ижтимоий-иқтисодий, балки жамиятимиз тарихий тақдири билан боғлиқ бўлган ва келажагини таъминлайдиган мураккаб ҳамда кўп қиррали жараён сифатида барча соҳаларни қамраб олган ҳолда кенг илдиз отиб боряпти. Бозор муносабатлари иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлган амалиётдир. Бу амалиётнинг кўп асрлик тараққиёт тарихи ва тизим ҳолига келган илми мавжуд бўлиб, бу илм асосларини ҳамда тўпланган тарихий тажрибаларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганмай туриб, бозор муносабатлари ва унинг қонун қоидаларини ўзлаштириш мумкин эмас.

Ўтмишда ва ҳозирги шароитда бутун жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиётининг самарадорлигини, ҳаётийлигини ҳар томонлама исбот қилди ва исбот қилмоқда. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб, унинг мақсади инсон манфаатларидан келиб чиқади. Ўзгариб бораётган жуғрофий-сиёсий тизимда Ўзбекистоннинг роли ортиб бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек, биз тўла ҳуқуқни аъзоси бўлган нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг фикри билан, унинг нуқтаи назари билан ҳисоблашаётир.

Хусусий транспортнинг сонини ошиб бориши билан транспорт бозорида рақобат юзага келди ва бозор учун кураш мақсадида кўпгина илгари якка ҳолда

фаолият юритган хусусий транспорт соҳиблари (тахминан 1996-97 йиллардан бошлаб) ҳар хил корхоналар таркибига бирлаша бошлашди. 2006 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9-мартдаги "Автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасидаги тадбирлар фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишнии тартибга солиш тўғрисида"ги ПҚ №-303 сонли қарорига асосан улар фақат корхоналар таркибида фаолият юритиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Автомобил транспорти корхоналарининг ишлаб чиқариш техник базасини такомиллаштириш масалаларига етарлича эътибор қаратилган. Ушбу масалага В.П.Карташовнинг «Развитие производственно-технической базы автотранспортных предприятий» номли монографияси шулар жумласидандир. Монографияда автомобил транспорти корхоналарининг қурулишида асосий эътибор бир вақтдаги капитал харажатларни камайтириш, қилинган харажатларни кам вақтда қайтарилишини таъминлаш мақсадларида, янги ишлаб чиқариш қувватларини навбатма-навбат ишга туширилиши қаратилган

Е.С. Кузнецов ва И.П.Курниковларнинг В книге Кузнецова Е.С. и Курникова И.П. «Производственная база предприятей автомобильного транспорта» номли китобида автокорхоналарнинг ишлаб чиқариш техника базасини ҳозирги замондаги ҳолатини, "Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш"нинг самарадор шароитларини яратишга қаратилган" ишлаб чиқариш техника қувватини мужассамланиш масалаларини, ишлаб чиқариш техник базасини қайта жиҳозлаш ва рекониструкция қилиш, ва бу масалаларини амалга ошириш самарадорлиги масалаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Бу масалага Россия олимлари В.Б.Ефимов («Автомобильный транспорт» журнали, 1986 йил №6 сон ва МАДИ мақолалар тўплами), А.И.Николаенко («Автомобильный транспорт» журнали, 1985 йил №10 сон) ўз эътиборларини қаратишган. Бу ишларда ишлаб чиқаришни марказлаштириш, ишлаб чиқариш техника қувватини мужассамлантириш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини марказлаштиришнинг техника-иқтисодий масалалари кўриб чиқилган.

Г.М.Напольский, А.В.Пугинларнинг "Автотранспорт корхоналарини қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш" номли ўқув қўлланмасида (Тошкент-2004) Техник эксплуатацияни омили сифатида ТБ қатор ўзига хос хусусиятларига эгалиги кўрсатиб ўтилган.

НАТИЖАЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш, муоамала, тақсимот ва истеъмол жараёнларининг узвий боғлиқлиги, маълум вақт ва масофа орасида йўловчиларнинг хизмат ва яшаш жойига етиб бориши транспорт хизматига боғлиқ бўлиб, иш унуми, ишлаб чиқариш суръати, сифати, кайфият шу омилларга бориб тақалади. Шаҳарларда ва марказларда бу муаммолар янада йириклашиб боради. Аҳоли зич бўлган шаҳарларда одамлар иш жойига бориш ва хонадонига қайтиш учун ўрта ҳисобда бир кунда 2,5 соатгача вақт сарфлайди. Шу нарса ҳисобланганки, бекатда 15 минут транспорт кутиб қолган ишчининг меҳнат унумдорлиги 4 фоизга камаяди. Ноқулай, тиқилинч транспортда қатнашнинг оқибати ҳам ижобий эмас, албатта. Вилоятимиз бўйича ҳозирги статистик маълумотлар асосида 1300000 нафар аҳоли яшайди, Жиззах шаҳрининг умумий майдони 21,2 квадрат километр бўлиб, тўрт юз мингга яқин аҳоли яшайди [4]. Шунингдек, Жиззах-Ўзбекистон Республикасидаги йирик иқтисодий, маданий-маъмурий марказлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун шаҳарнинг транспорт фаолиятини тадқиқ этиш, бозор иқтисодиёти шароитида уни ташкил этиш, бошқаришни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, бозор рақобати ҳамда транспорт жараёнида бозор иқтисодиётининг муҳим қонуни бўлган талаб ва таклифнинг ҳаракат доирасини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга моликдир.

Шу билан биргаликда шаҳар транспорт бозори қатнашчилари бўлган хусусий транспорт воситаларининг техник ҳолати уларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва хизмат кўрсатиш маданиятига бевосита таъсир кўрсатади. Транспорт воситаларининг техник ҳолатига эса ўз навбатида уларга кўрсатилаётган техник хизматнинг сифати, демак бу хизматларни амалга ошираётган ишлаб чиқариш техник базанинг мавжудлиги катта рол ўйнайди.

Ишнинг бажариш давомида олинган натижалар:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий транспорт хизматига бўлган талаб ва таклиф қонунияти ишлаб чиқилди.

2. Жиззах шаҳрида фаолият кўрсатаётган хусусий транспорт корхоналарига қарашли автомобилларнинг техник ҳолатини таъминлаш бўйича маълумотлар тўпланди.

3. Хусусий транспорт корхоналарини лойиҳалаш учун технологик ҳисобни бажаришга Microsoft Excel матн редакторида электрон дастур яратилди.

4. Жиззахйўловчитранс корхонасининг янги лойиҳаси яратилди.

МУҲОКАМА

Автотранспорт корхоналарида (АТК), ҳаракатдаги таркибдан самарали ва ишончли фойдаланиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш техника базаини (ТБ) ҳолатига, ривожланиш даражасига ва фаолият кўрсатиш шароитига боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда ТБ ни ривожланиши автомобиллар паркининг ўсиш суръатидан орқада қолмоқда. Асосий ишлаб чиқариш фондлари (АФ) нинг таркибида фонднинг катта қисми 60 ... 70 % ҳаракатдаги таркибга, 30...40 % эса ТБ тўғри келади, шу билан бир вақтда Гипроавтотранс тавсияларига кўра бу нисбат тахминан 1 : 1 бўлиши керак.

Автомобил паркининг жадаллаб ўсиши шунга олиб келдики, мамлакат бўйича ўрта ҳисобда, АТК нинг ишлаб чиқариш майдонлари билан таъминланганлиги меъёрдагининг фақат 50-60 % ни, техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ва жорий таъмирлаш (ЖТ) постлари билан таъминланганлиги 60...70 % ни ташкил этади ва ишлаб чиқаришнинг ТХК ва ЖТ жараёнини механизағия воситалари билан таъминланиш даражаси 30 % дан ошмайди.

Бу эса, ўз навбатида, автомобилларни техник соз ҳолда ушлаб туриш учун қўшимча анча сарф харажатларга, уларни ТХК ва ЖТда навбат кутиб туриб қолишига олиб келади. Бир қатор АТК ларда автомобилларни техник тайёргарлик коэффиғиенти 0,7 дан, ишга чиқариш коэффиғиенти эса 0,5 дан ошмайди. Муассасаларнинг кичик АТКларида эса бу кўрсаткичлар яна ҳам паст.

АТК техника базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжуд АТКларни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш йўли билан таъминланади.

Мамлакат халқ хўжалигининг қайта қуришни ҳозирги замон босқичи, энг кам ресурс сарф қилган ҳолда энг юқори натижаларга эришишнинг глобал вазифасини қўяди.

Ҳозирги кунда автомобил транспорти корхоналарининг ТБ га тўғри келадиган АФ ни нархи жуда ошиб кетди, аммо улардан фойдаланиш самараси жуда паст. Бундай шароитда ТБ нинг бундан кейинги ривожланиши нафақат янги корхоналар қурилиши ҳисобига, балки кўпроқ мавжуд корхоналарни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш ҳисобига амалга оширилиши лозим. Таркибий ва инвестиғион сиёсатни ўзгартириш керак. Ўзгаришларнинг моўияти, эътибор марказини сон кўрсаткчиларидан сифатга ва самарадорликка, ораликдан якуний натижаларга, уларни янгилашга қаратишдан иборатдир. Бу айтилганлар автомобил транспортига ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Капитал сарф-харажатлардан самарали фойдаланишда мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш янги қурилишга қараганда сўзсиз афзалликка эгадир. Бу ҳолат биринчи қаторга ўта муҳим техник иқтисодий муаммони АТК АФ қайта яратиш (янги қурилиш, кенгайтириш, қайта қуриш ёки техник қайта жиҳозлаш) шаклининг усул ва йўлларини аниқлашни илгари суради.

Автомобил транспорти тармоқлари корхоналарини лойиҳалашга бағишланган ҳозирги замон илмий, меъёрий ва техникавий адабиётларда мавжуд АТКларни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш лойиҳаларини бир тизимга келтирилган ишлаб-чиқиш методологияси йўқ. Ушбу ўқув қўлланманинг мақсади юқорида айтилган муаммони қисман бўлса ҳам тўлдиришга қаратилган уринишдир.

Бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан охирги 10 йилда кўпчилик АТК ларда тарспорт воситалари деярли янгиланмади, мавжудларининг катта қисми эса сафдан чиқди ва натижада ТБ нинг АФ даги салмоғи анча ошди.

Тўпланган материаллар асосида мавжуд АТК техника базаси элементларини техник ҳолат и таҳлил қилинади ва уларни истиқболли ривожланиш имкониятлари аниқланади. ТБ элементларини, нафақат миқдорий хусусиятлари томонидан, балки уларни сифатли ҳолати томонидан ҳам баҳолаш керак. Бу икки нуқтаи назарни ҳар томнлама Таҳлил қилиш, келажакда самарали лойиҳа ечимини ишлаб чиқиш имконини беради.

1- босқич, лойиҳалаш вазифасини ташкил этувчи ва келгуси лойиҳанинг техник ечимини белгилаб берувчи, мавжуд АТК ТБ ривожланишининг асосий йўналишини аниқлаш билан тугалланади.

2- босқичда, эксплуатация қилинаётган ҳаракатдаги таркиб ҳақидаги маълумотларни (автомобил, автотиркама, автобусларни асосий база модел-лари бўйича паркнинг таркиби ва сони), эксплуатағия қилиш тартиби, сақлаш шароити, ТХК ва ЖТ ишларининг технологияси ва ташкили ва ҳ.к. ни ўз ичига оладиган, лойиҳалаш топшириғи ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, 1- босқич маълумотлари асосида корхона ишлаб чиқаришининг махсуслиги, ҳаракатдаги таркибга ТХК ва ЖТ ишларини бажаришдаги кооперациялаш шароитлари ҳамда қайта қуришни амалга оширишнинг асосий йўллари аниқланади.

Қўшимча, қуйидаги техник ҳужжатлар келтирилади:

- бино ва иншоотлар жойлаштирилган, автотранспорт ҳаракатининг ташкил қилиниши кўрсатилган ҳолда бош тархнинг схемаси;

- қайта қурилиши лозим бўлган бинолар архитектура-қурилиш режалари ва кесимлари;
- ҳаракатдаги таркибни сақлаш автомобил ўринлари, ТХК ва ЖТ ишчи постлари ўрнашган, асосий технологик жиҳозлар жойлаштирилган ишлаб чиқариш бинолари режаси;
- қайта қуришда фойдаланиши лозим бўлган мавжуд асосий технологик жиҳозларнинг тафсилотли рўйхати.

3- босқичда, асосан, технологик ҳисоблар, бош тарх режасининг чизмаси, бино ва иншоотларнинг ҳажиий-режавий ечимини ишлаб чиқиш (тўғрилаш), технологик жиҳозларни тафсилотли рўйхатини тузиш ва уларни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларида жойлаштиришни ўз ичига олган, қайта қуриш лойиҳаси амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу қўлланмада кўрилмайдиган, иситиш, шамоллатиш, сув ўтказиш, электр таъминоти ва ҳ.к. ларни ўз ичига олган, лойиҳани ташкил қилувчи бошқа қисмларни ишлаб чиқишга топшириқ тузиш, қайта қуриш лойиҳасининг технологик қисми ҳажиига киради.

4- босқичда бажарилган АТК қайта қуриш лойиҳасининг иқтисодий самарадорлиги аниқланади. У лойиҳада эришилган техник-иқтисодий кўрсаткичларни автомобил транспортида мавжуд илғор меъёрий кўрсаткичлар билан ҳамда АТК ни қайта қуришдан олдинги кўрсаткичлари билан солиштиришни ўз ичига олади.

ХУЛОСА

Мақолада бажарилган тадқиқот ишлари бўйича қуйидача хулоса қилиш ва таклифлар киритиш мумкин:

Хусусий транспорт хизматининг нархи кам ва ташкилий жиҳатдан тезкор бўлишига қарамай, шаҳардаги корхоналар тассаруфидаги транспорт воситаларининг техник ҳолати ва унинг назорати ҳали талаб даражасида эмас. Бозордаги рақобатда устун келиш учун уларнинг олдида хизмат маданиятини ошириш, транспорт воситаларини янгилаш, уларнинг ва ҳайдовчиларни кундалик назоратини яхшилаш, техник хизмат кўрсатиш базаларини яратиш каби муаммоларни ҳал қилиш турубди.

Автомобилнинг техник ҳолатининг ёмонлашуви максимал тезликнинг 20-25% пасайишига ҳамда 25-30 % тезланиш олиш йўли ва вақтини узайтиради, шунингдек йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни оғирлаштиради. Юзага келган носозликлар автомобилларнинг ҳаракати жараёнида йўл транспорт ҳодисаларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Транспорт хизматини кўрсатаётган ҳар-бир ўрта кичик бизнес субъекти, замонавий талабаларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш техник базасига, транспорт воситаларини кунлик назоратини амалга оширувчи дарвоза пунктига, ҳайдовчиларни физиологик ҳолатини кунлик назоратини амалга оширувчи тиббий пункти тўғрисида таклифлар берилди.

Хусусий транспорт тизимининг нуфузини кўрсатиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун камчиликларни камайтириш йўлида изланиш, бунинг учун хусусий транспорт соҳибларни ҳуқуқий ҳимоясини кўчайтириш, транспорт таркибини янгилаш ва транспорт хизмати маданиятини кўтариш, транспорт хизматини мувофиқлаштириш ва марказлаштириш борасида жойларда транспорт хизматлари учун буюртма қабул қилувчи диспетчерлик пунктларини ташкил қилиш бўйича таклиф берилди.

REFERENCES

1. Автомобил транспорт корхоналари бўйича солиштирма капитал маблағларнинг меъёрлари. -М,: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1985 й. - 118 б.
2. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-86), -М: РСФСР Автотраснпорт вазирлиги ИТММБ, 1986 й. - 129 б.
3. Автомобил транспорти корхоналари учун технологик лойиҳалашнинг умумиттифоқ меъёрлари, (ОНТП 01-91), -М: Гипроавтотранс, 1991 й. - 184
4. Кузнецов Е.С. «Автомобилларнинг техник эксплуатацияси ривожининг илмий-техникавий тараққиётининг ва истиқболининг йўналишлари» -М.: МАДИ, 1987. -90 б.
5. Eshankulov, M. Z. (2019). Enviromental management as a factor of development. *Modern scientific challenges and trends*, (3), 54-56.
6. Эрназаров, А. А. (2019). Необходимость применения систем автоматизированного проектирования при обучении студентов инженерных специальностей высших учебных заведений. *Вестник науки*, *1*(11), 20-26.
7. Asqarov, IB (2017). Bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarini tadqiqot faoliyati uchun tayyorlashning asosiy bosqichlari. *Sharqiy Evropa ilmiy jurnali*, (5).
8. Аскаров, И. Б. (2017). Управление и планирование процессом формирования исследовательских умений и навыков будущих преподавателей профессионального образования. *Школа будущего*, (2), 10-15.
9. Аскаров, И. Б. (2017). Основные подходы и принципы подготовки будущих педагогов профессионального обучения к исследовательской деятельности. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (2-6), 25-32.

10. Бегматов, Б. Я. (2020). Техника олий таълим муассасаларида талаба амалиёти тадқиқи. *Academic research in educational sciences*, (3).
11. Аскаров, И. Б. (2016). Подготовка к исследовательской деятельности будущего педагога профессионального обучения. In *Педагогическое мастерство* (pp. 39-42).
12. Бегматов, Б., Ҳаққулов, Б., & Ҳаққулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, (3).
13. Бегматов, Б. Я., & Ҳаққулов, Б. А. (2020). Кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).
14. Адилов, О. К., Кулмурадов, Д. И., & Бегматов, Б. Я. (2014). Переходные характеристики машины при скачкообразном повороте рулевого колеса. *Молодой ученый*, (20), 101-104.
15. Тожиев, Ж. З. Ў. (2020). Кафолат даврида бузилишларни олдини олиш мақсадида автомобилнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).
16. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (3).
17. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. Academic research in educational sciences, (3).
18. A. Azimov "Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallardan foydalanishning samaradorlik ko'rsatgichlari", OOO «Academic Research», Vol. 1 No. 1, 2020, (DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2020-00010)
19. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).
20. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (1).
21. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.
22. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамракулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).